

UZBEKINVEST	Курилиш таваркалчиликларидан мажбурий сугурта килиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13UZ Бетлар: 8 дан 1-6гет Сана: 10.07.2009г.
СК 20		

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУГУРТА КОМПАНИЯСИ
ШАРТНОМАСИ №14-00/01911104046**

Урганч шаҳри

2021 йил «27» декабр

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 29 июндаги СФ №601144 лицензияга мувофиқ фаолият олиб борувчи, кейинги ўринларда «Компания» деб аталувчи «Ўзбекинвест» экспорт-импорт сугурта компанияси номида «Ўзбекинвест» ЭИСКнинг Фипал тўғрисидаги низоми ҳамда 2021 й. «04» январдаги 01/14 сон Бош ишончнома асосида иш қоригувчи Компаниянинг Хоразм вилоятидаги филиали Директори О.Б.Абдуллаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Сугурталанувчи» деб аталувчи «**Хива қурилиш комплекси**» МЧЖ номидан Низоми асосида иш қорувчи директор А.Хасанов иккинчи томон бўлиб Ушбу Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-БЎЛИМ. ШАРТНОМА МАВЗУИ

Сугурталанувчи сугурта мукофотини ушбу Шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда тўлаши эвазига Компания ушбу Шартномада назарда тутилган шартларга ваёки ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган қўшимча келишилган шартлар, истиснолар ҳамда иловаларга мувофиқ, сугурта ҳолисида юз берганда Сугурталанувчига ёки Наф олувчига етказилган зарарни қуйида келтирилган ҳақда ва муддатга қоллаш мажбуриятини олади.

2-БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

Ушбу Шартномада фойдаланилган атамларнинг бошқа маънолари алоҳида келишиб олинмаган бўлса, улар қуйидагига таърифланди:

2.1. Сугурта полиси – ушбу Шартнома қучта қирғилитини тасдиқлайдиган, Сугурталанувчи сугурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлаганидан кейин унга берилдиган ҳужжат.

2.2. Сугурта пули – ушбу Шартноманинг 5.1-бандида кўрсатилган бўлиб, Компаниянинг ушбу Шартнома бўйича Сугурталанувчи олдидати жавобгарлигининг четгарасини билдирувчи пул маблағлари миқдори.

2.3. Сугурта мукофоти – Сугурталанувчи Компанияга ушбу Шартномада келишилган тартиб ва муддатларда тўлаши шарт бўлган сугурта учун тўлов.

2.4. Сугурта ҳолиси – сугурта мудлатида содир бўлган, ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган таважжалчиликлар юз бериши натижасида 1-иловада келтирилган объектда қурилиш амалга оширилмаётганда Сугурталанувчининг (Наф олувчининг) мулкий манфаатларига зарар етилиши.

2.5. Сугурта мудлати – ушбу Шартнома амалда бўлган давр. Компания сугурта мудлати мобайнида юз берган сугурта ҳолисалари бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

2.6. Сугурта товони – Компания сугурта ҳолиси содир бўлганда Сугурталанувчининг зарарини қоллаш учун сугурта пулидан ошмайдиган ҳақда тўлайдиган пул маблағлари миқдори.

2.7. Ходимлар – меҳнат шартномаси (контракти) ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида Сугурталанувчининг тоширини ва унинг назорати асосида ишлаётган шахслар.

2.8. Учинчи шахслар – сугурта шартномасида кўрсатилган сугурта ҳолиси натижасида ҳаёти, соғлини ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар ҳамда Сугурталанувчи билан шартнома муносабатларида бўлмаган ва мол-мулкига зарар етказилган қоридик шахслар. Сугурталанувчи, унинг оила аъзолари, унинг ходимлари ҳамда Сугурталанувчи номидан иш қўраётган жисмоний ёки қоридик шахслар учинчи шахс бўлиб ҳисобланмайди.

2.8. Наф олувчи – сугурталанган мулкнинг бут бўлишига қонан, бошқа меъёрий ҳужжат ёки шартномага асосланган манфаати бўлган, фойдасига ушбу Шартнома тузилган шахс.

3-БЎЛИМ. СУГУРТА ХИМОЯСИ

UZBEKINVEST	Курилиш таваркалчиликларидан мажбурий сугурта килиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13UZ Бетлар: 8 дан 2-6гет Сана: 10.07.2009г.
СК 20		

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарорига мувофиқ ушбу Шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга амал қилган ҳолда Компания қуйидагилар учун сугурта химоясини таълим этади:

3.1.1. Сугурталанувчининг (Наф олувчининг) мулкий манфаатларига бевосята қуйидаги таважжалчиликлардан моддий зарар етказилганда:

- а) ёнғин, чакмоқ, поргташ, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёнғин;
- б) ўрғиллик ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;
- в) сув тошиқини ва сув боосини, қувурларнинг ёрилиши;
- г) броч, довул;
- д) элизила, сед, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш;
- е) қисқа тўташув, ортикача қулашиш, электр ёйари;
- ж) машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- н) нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўлланган қўрган зарар;
- к) қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

3.1.2. Сугурта амалда бўлган даврда қурилиш майдонида ёки унга бевосята қўшни ҳудудда ушбу Шартнома билан сугурталанган қурилиш ёки монтаж ишлари оқибатида қуйидагилар натижасида Сугурталанувчининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши билан Сугурталанувчининг мулкий манфаатларига зарар етилиши:

- а) учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлигига зарар етилиши;
- б) учинчи шахсларнинг мол-мулкига зарар ёки эъён етилиши.

4-БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Ушбу Шартномага мувофиқ қуйидагиларнинг бевосята ёки биливосята натижасида содир бўлган воқеалар сугурта ҳолисида ҳисобланмайди:

- ҳар қандай уруш ҳаракатлари ёки ҳарбий табирилар ва уларнинг оқибатлари, минлар, бомблар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, оммавий тартибсизликлар, иш ташлашлар, террорчилик, ҳарбий ёки бошқа ҳуқуқга идоралари ёки сиёсий ташкилотларнинг фармойишига биноян мулкнинг мусолара этилиши, қийматини тўлаб бериш шартли билан олиб қўйилиши, хиёста олинлиши, йўқ қилиниши ёки зарар қўрилиши;
- ядро поргташи, радиация ёки радиоктив захарланиш;
- Сугурталанувчи ёки унинг ходимларининг, ушбу сугурта фойдасига амалга оширилган шахсининг қасддан қилган ҳаракатлари ёки қўпол эхтирсизлиги;

- қурилиш объектидаги (сугурта объектида) хатолар, етишмовчиликлар ёки нуқсонлар, агар Сугурталанувчи, ушбу сугурта фойдасига амалга оширилган шахс ёки уларнинг вакилларида бу ҳақда сугурта ҳолисида юз беришидан олдин маълум бўлган бўлса;
- лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;
- зангташ, чирши, табиий эскириш, ўз-ўзидан ёнғини ёки айрым буюмларнинг табиий ҳуусушларидан келиб чиққан зарарлар;
- лойиха-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган таъриба ва талкиког ишлари;
- қурилиш техникиси ва транопорт воситаларининг ташқи омил таъсирида келиб чиқмаган ички бўзилишлари натижасида зарарланиши.

4.2. Ушбу Шартномага мувофиқ қуйидагилар ҳам қопланмайди:

- объектлар қурилишида фойдаланилган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмларини алмаштириш, тўзатиш ёки созлаш қиймати, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қиймати. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангига бевосята чекланиб қолади, аммо материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланлишини истисно қилмайди.

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчилликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 8 дан 3-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 20		

- ёнгилг-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совуtuvчи суюқликлар ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталанган таваккалчилликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), кимматбахо металллар, тошлар, санъат асарлари, хужжатлар ва кимматли қозғаларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жаримлар сингари бирор-бир билвосита зарар.

4.3. Компания Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда ҳам суғурта товоғи тўлашдан озод бўлади.

5-БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Ушбу Шартноманинг 3.1.1-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта пули умумий суғурта қийматининг **529 220 000,00 сўмининг 80 % (Фонд) яъни суғурта суммаси 423 376 000,00 (Тўрт юз йигирма уч миллион уч юз етмиш олти минг) сўм 00 тийинни** ташкил этади.

5.2. Ушбу Шартноманинг 3.1.2-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта пули 2 000 000,00 (Икки миллион) сўм ташкил этади.

5.3. Ушбу Шартнома бўйича суғурта мукофоти **1 355 000 (Бир миллион уч юз эллик беш минг) сўмини** ташкил этади.

5.4. Суғурта мукофоти ушбу Шартнома имзолангандан сўнг 5(беш) банк куни ичида бир вақтининг ўзида тўлиқ тўланади.

6-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Ушбу шартнома уни томонлар имзолаган пайтдан эътиборан кучга қиради ва 2022 йил «26» декабрда амалда бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Компания мажбурийатлари суғурта мукофоти тўлангандан кейин кучга қиради ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати мобайнида амалда бўлади.

6.2. Суғурталанувчи Суғурта полиси суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми Компания ҳисоб рақамига келиб тушгандан эътиборан 3 (уч) банк куни ичида, тўланган давр учун берилади.

Агар Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати ушбу Шартноманинг 6.1-бандида келтирилган Шартнома муддатидан ошиб қетса, Шартнома муддати Суғурта полисида кўрсатилган муддатга мос равишда узайтирилган ҳисобланади.

6.3. Компаниянинг суғурта товоғи тўлаш бўйича мажбурийатлари қурилиш, монтаж, ускуналарнинг дастлабки ва ишчи синовлари даври мобайнида амалда бўлиб, объектни фойдаланишга топширгандан сўнг, лекин суғурта муддатининг охиригга санасидан кечикмай тўтади.

6.4. Суғурта мукофоти Компания ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш орқали тўланади. Суғурта мукофоти тўланган кун бўлиб пул маблағлари Компания ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади.

6.5. Суғурта полиси суғурта мукофоти тўлагичга ёки унинг биринчи қисми тўлангандан сўнг 5 (беш) банк куни ичида у тўланган давр учун берилади. Суғурта полиси йўқолганда, Компания унинг дубликатини Суғурталанувчининг ёзма аризаси асосида беради.

6.6. Агар Суғурталанувчи ва суғурта шартномаси фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлар уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга тўхтаиб турилса, суғурта шартномасининг амал қилиши томонлар ўртасидаги кўшимча битмига мувофиқ кўрсатиб ўтилган даврга тўхтаиб турилиши мумкин ва у ишлар қайта тикланганда Компанияни бу ҳақда ёзма шахсда хабардор қилгандан кейин суғурта мукофоти тўловисиз янгидан кучга қиради.

6.7. Қурилиш объекти Суғурталанувчи ва суғурта фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда Компания суғурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқилган суғурта мукофотининг бир қисмини қайтарди.

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчилликларидан мажбурий суғурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 8 дан 4-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 20		

6.8. Бошқа барча ҳолларда суғурта муддати фақат томонларнинг ахдлашуви бўйича, миқлори томонлар ўртасидаги келишувга кўра белгиланган кўшимча суғурта мукофоти тўланган ҳолда узайтирилиши мумкин.

6.9. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта муддати тугашидан илгари тугаса суғурта мукофоти қайтарилмайди.

7-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Шартнома амалда бўлган даврда:

7.1.1. Суғурталанувчининг ҳуқуқлари:

а) Компания билан келишган ҳолда ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар қилиши;

б) Компаниядан ушбу Шартнома бўйича маслаҳатлар олиш;

в) суғурта полиси йўқолганда унинг дубликатини олиш.

7.1.2. Суғурталанувчининг мажбурийатлари:

а) ушбу Шартномада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта мукофотини тўлаш;

б) Компанияни суғурта пули ўзгарганлиги, шунингдек томонлар суғурта тўғрисидаги шартномани имзолангандан кейин таваккалчиликда бўлган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Объект қиймати 10 фоиздан зиёд қўлайтирувчи ўзгартиришлар Компанияга шартнома шартларини қайта кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқини беради;

в) ушбу Шартномани тўзатганда таваккалчилик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш аҳамиятга эга ҳаққоний ахборотни Компанияга билдириши.

7.1.3. Компания суғурта қуйдаги ҳолларда суғурта товоғи тўлашдан бош тортишга ҳақли:

а) Суғурталанувчининг ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахснинг суғурта ҳодисаси юз беришига қаратилган, иботланган қасддан қилган ҳаракатлари, ўз фуқаролик бурчини адо этиш ёки Суғурталанувчининг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ва шаънини химоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Компанияга суғурта объекти, суғурта ҳодисаси ва унинг оқибатлари ҳақида ёлгон маълумотларни тақдим этиш;

в) Компанияни таваккалчиликнинг сезиларли даражада ўзгарганлиги, шунингдек суғурталанувчи ва фойдасига ушбу суғурта амалга оширилаётган шахсга маълум бўлган хатолар, етишмовчиликлар ва нуқсонлар ҳақида хабардор қилмаслик ҳамда Компания ёки унинг вақили зарарларнинг тавсilotи, тавсифи ва миқлорини аниқлашда иштирок этишига қаршилиқ қилганда.

Компания Суғурталанувчи ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс томонидан зарарнинг олдини олиш ва қамайтириш чоралари қанчалик амалга оширилмаган бўлса шу меъёрда қўрилган зарарларни тўламасликка ҳақли.

7.1.4. Компаниянинг мажбурийатлари:

а) ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган муддатларда Суғурта полисини бериш;

б) барча зарур хужжатларни олиб, воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олгандан сўнг ушбу Шартномада келишилган миқдор ва муддатда суғурта товоғи тўлаш;

в) ушбу Шартнома бўйича Суғурталанувчининг сўровномасига кўра унга маслаҳатлар бериш;

г) Суғурталанувчи/Наф олувчидан ушбу Шартнома амал қилиши даврида олган ахборотни ошқор қилмаслиги, Компания ахборотни давлат идораларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно.

8-БЎЛИМ. СУГУРТА ДАВЪОСИНИ ҚУРИБ ЧИҚИШ

8.1. Ушбу Шартномага мувофиқ Компаниядан суғурта товоғи олиш талабига асос бўлиши мумкин бўлган воқеа рўй берганда, Суғурталанувчи ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган шахс қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

а) Компания сўрашини ёки талабини кутмасдан эҳтимолдаги зарарларнинг олдини олиш бўйича барча чораларни қўриш.

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13UZ
	БК 20	Бетлар: 8 дан 5-бет Сана: 10.07.2009й.

б) Компанияни 7 календарь кунидан кечиктирмасдан содир бўлган воқеа ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиш;

в) Компанияга ушбу мол-мулкка нисбатан бошқа сугурта ташиқлотлари билан тузилган шартномалар ҳақида ёзма равишда хабар қилиш;

г) мутасадди идораларни имкон қадар дарҳол, лекин 48 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилиш.

8.2. Компания даввони кўриб чиқиши учун Сугурталанувчи қуйидагиларни амалга ошириши шарт:

- ўз сарф-ҳаражатлари ҳисобидан Компания талаб қилиши мумкин бўлган йўқотиш, бузилиш ёки зарар кўришининг барча тавсilotларини ҳамда сабаби ва микдорининг исботини тақдим этиши;

- барча режалар, таснифлар, топшириқномадлар, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда сугурта ҳодисаси бошланиши ҳолатлари ва сабаблари тўғрисида хўлоса чиқариши имконини берувчи бошқа зарур ҳужжатларни Компанияга тақдим этиши.

Сугурталанувчи имкон қадар шикастланган мол-мулкни ва ҳодиса рўй берган жой Компаниянинг вакиллари томонидан кўздан кечирилган ҳамда сугурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича хатти-ҳаражатларни Компания билан ёзма равишда келишиб олингандан кейин сугурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этишга (алмаштиришга, тўзатишга) қирпилиши мумкин.

8.3. Компания хабарномани олгандан сўнг 3 (уч) кун мобайнида объектни кўриқдан ўтказиши шарт.

8.4. Сугурталанувчининг ёзма аризаси олингандан сўнг ва сугурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия тарқибига Сугурталанувчининг ва Компаниянинг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобидан ваколатли ташиқлотларнинг вакиллари қирпилади.

8.5. Компаниянинг вакиллари вазиятти, зарар характерини ва микдорини аниқлаш учун сугурта ҳодисаси содир бўлган жойга эркин қира олиши ҳамда Сугурталанувчи ва сугурта шартномаси фойдасига тўзилган шахснинг тегишли ҳужжатларидан бемалол фойдалана олиши керак.

Компания ва Сугурталанувчи ўртасида вазиятлар, зарарнинг характери ва микдори бўйича келишмовчиликлар бўлган тақдирда масала эксперт комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Ҳар қайси томон ўз экспертнинг тайинлайди ва бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперт хизматида ҳақ тўлайди.

Ушбу шарт томонларнинг келишмовчиликларини конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларида ҳал этиш бўйича ҳуқуқларини чекламайди.

9-БЎЛИМ. КОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Нобул бўлган мол-мулк учун сугурта товони уни тўлаш ёки сугурта ҳодисаси вақтида уни алмаштириш қийматида камроми билан чекланади.

Шикастланган мол-мулкни тўзатиш харажатлари унинг ҳақиқий қийمатидан ёки сугурта ҳодисаси вақтидаги алмаштириш қийматидан ортиб кетган тақдирда у нобул бўлган деб ҳисобланади.

9.2. Компания зарарни бартараф этиш ёки қамайтириш мақсадиде қилинган харажатларни, агар ушбу зарар ушбу Шартнома шартларига кўра тўлангани керак бўлса, тўлайди.

9.3. Компания шунингдек сугурта ҳодисасидан кейин худудни тозалаш билан боғлиқ оқилона харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у сугурта муқофотининг 2 фоизидан орттиқ бўлмаслиги керак.

9.4. Агар бир сугурта ҳодисаси натижасида сугурта шартномаси фойдасига тўзилган бир нечта шахсга зарар етган бўлса, умумий сугурта товони микдори ушбу шахслар ўртасида ҳар қайси шахс кўрган зарарнинг умумий зарар сўммасидеги микдорига муносоиб равишда тақсимланади.

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчиликларидан мажбурий сугурта қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13UZ
	БК 20	Бетлар: 8 дан 6-бет Сана: 10.07.2009й.

9.5. Агар зарар уни етказишда айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса, Сугурталанувчи сугурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

Агар зарар тўланадиган сугурта товонидан камроқ микдорда ўндирилган бўлса, у ҳолда у Сугурталанувчига етказилган зарар учун жавобдор шахслар олинган сўммани ҳисобга олган ҳолда тўланади.

9.6. Сугурта товони тўлангандан кейин Сугурталанувчи ёки фойдасига сугурта шартномаси тўзилган шахс етказилган зарар учун жавобдор шахсларга нисбатан зарарни тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сўмма доирасида Компанияга ўтади. Сугурталанувчи барча ҳужжатларни Компанияга беришга ва айбдор шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча хатти-ҳаражатларни амалга оширишга мажбур.

10-БЎЛИМ. ШАРТНОМАНING БЕКОР ҚИЛИНИШИ ВА ТўХТАТИЛИШИ

10.1. Ушбу Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига мувофиқ исгалган пайтда бошқа томонни бекоР қилиш мўлжалланаётган саналдан камиде 30 (ўттиз) кун олдин хабардор қилиш шарти билан бекоР қилиниши мумкин. Аммо ушбу Шартноманинг бекоР қилиниши Наф олувчиларнинг/учинчи томоннинг манфаатларига дахлдор бўлган ҳоллар бундан мўстаснодир.

10.2. Компания ўз мажбуриятларини бўзганлиги муносабати билан Сугурталанувчи ушбу Шартномани мўдлатидан олдин бекоР қилинишни талаб қилганда, тўланган сугурта муқофотининг ҳаммаси қайтарлиши лозим. Акс ҳолда сугурта муқофоти қолган сугурта мўдлати учун, Компаниянинг харажатларини четириб қолган ҳолда қайтарилмайди.

10.3. Сугурталанувчи ўз мажбуриятларини бўзганлиги туфайли Компания ушбу Шартномани мўдлатидан аввал бекоР этилишини талаб қилганда тўланган сугурта муқофоти қайтарилмайди.

10.4. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

а) мўдлати тамом бўлганда; Сугурта шартномаси мўдлати тамом бўлгунга қадар сугурта ҳодисаси бўйича жавобдорлик Сугурталовчи зиммасида бўлади.

б) Компания Сугурталанувчи олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариб бўлганда;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11-БЎЛИМ. ТОМОНЛАРNING ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларида мувофиқ жавобдордирлар.

11.2. Компания сугурта товони тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш мўдлатини ўтказиб юборганлик учун Сугурталанувчига тўлов мўдлати ўтган ҳар бир кун учун, тўлангани керак бўлган сугурта товони сўммасининг 0,15 фоизи микдориде, лекин тўлангани керак бўлган сўмمانинг кўли билан 10 фоизи микдориде неустойка тўлайди.

11.3. Агар томонларнинг ушбу Шартномадати ўз мажбуриятларини бажармаслигида ентиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) сабаб бўлса, томонлар жавобдорликлдан озод бўлдилар. Ентиб бўлмайдиган куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни ана шундай ҳолат юзата келгани ва унинг тавсирини ана қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида худлик билан хабардор қилиши шарт.

12-БЎЛИМ. БАХСЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

12.1. Ушбу Шартномалда назарда тутилган ёки у билан боғлиқ масалалар бўйича бахслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзата келган тақдирда томонлар уларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилиш чораларини кўрадилар.

12.2. Ушбу Шартномадан келиб чикувчи ёки у билан боғлиқ, шу жумладан унинг бажариллишига, бузилиши, тўхтатилиши ёки ҳақиқий эмаслигида ташлуқчи бахслар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаганда улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларида мувофиқ ҳал этилади.

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчилликларидан мажбурий суғурга қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 8 дан 7-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 20		

13-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

- 13.1. Ушбу Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида сақлаш учун қўйилган 8, 9, 13-класслар бўйича Суғурга қондалари ва суғурга шартномаларининг намуна шакллари асосида ишлаб чиқилган.
- 13.2. Ушбу Шартномага киритилмаган ҳамма қўшимчалар ва ўзгартришлар, шунингдек унинг муддатини узайтириш ҳамда тўхтатиш ёзма равишда амалга оширилиши лозим.
- 13.3. Томонларнинг ушбу Шартномада баён этилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.
- 13.4. Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга, томонларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланадиган 2 (икки) нусхада тузилди.

Компания номидан

«Ўзбекинвест» ЭИСК
Хоразм

филиали

Манзил: Урганч ш Ал-Хоразмий
Кучаси 90/1 уй
Тел.: 2288013 Факс: 2288012
Х.р. 20210000400565624001
Банк коди: 00547
СТИР: 201822324

Суғурталанувчи

«Хива қурилиш комплекс» МЧЖ

Манзил: Хива туман Соёт кишлоғи Соёт
маҳалласи

Х.р 20208000105005787001

СТИР: 302423358

МФО: 00578

Тел: 99 555 40 10 Факс:

UZBEKINVEST	Курилиш таваккалчилликларидан мажбурий суғурга қилиш шартномаси	FK-141_K8_K9_K13Uz
		Бетлар: 8 дан 8-бет Сана: 10.07.2009й.
GK 20		

2021 йил «27» декабрдаги
14-00/01911104046-сон
Курилиш таваккалчилликларидан
мажбурий суғурга қилиш
шартномасига 1-илова

Суғурталанувчининг номи ва манзили:
«Хива қурилиш комплекс» МЧЖ

Шартноманинг номи: Хонка тумани
«Дўстлик» МФЙ ҳудудида қурилаётган кўп
квартирали уй-жойларни уй-жойларни янги
йўللари ҳамда пиёдалар йўлакчаларини
қурилиши

1. Моддий зарар

№	Суғурталанаётган предметлар	2	Суғурга пули, сўмда	3
1	Қурилиш ишлари (яқуний ва дастлабки, шу жумладан бунинг учун фойдаланиладиган материаллар)		423 376 000,00	
1.1	Қурилишнинг шартнома киймати			
1.2	Қурилиш материаллари ёки буюртмачи отказиб берадиган қурилиш материаллари			
Умумий суғурга қиймати: 529 220 000,00				
Моддий зарар бўйича суғурга пули: 423 376 000,00 (Тўрт юз йсигирма уч миллион уч юз еттиши олти минг) сўм				

2. Жавобгарлик

Т.р.	Таваккалчилик	2	Қоплама лимити, сўмда	3
1	Курилиш-монтаж ишларини олиб боришда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилиги		2 000 000,00	

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Директор
О.Б.Абдуллаев

Директор
А.Хасанов

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

Директор
О.Б.Абдуллаев

Директор
А.Хасанов

